



THE ROLE OF ENVIRONMENTAL EDUCATION IN THE HOLISTIC DEVELOPMENT OF YOUTH

Savlabek Usmanovich Kistaubayev

Associate Professor, Doctor of Philosophy (PhD) in Philosophy

Jizzakh State Pedagogical University

Jizzakh, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: ecological awareness and culture, the “nature – society – human” system, ecological knowledge and worldview, environment, eco-philosophy, environmental education and upbringing, and others.

Abstract: The article analyzes the role of environmental education and upbringing in shaping ecological awareness and culture among young people. It also emphasizes that environmental education is an integral component of general education and has a continuous, lifelong character.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЁШЛАР БАРКАМОЛЛИГИД ТУТГАН ЎРНИ

Савлабек Усманович Кистаубаев

Доцент, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)

Жиззах давлат педагогика университети

Жиззах, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: экологик онг ва маданият, “табиат – жамият – инсон” мажмуаси, Экологик билим ва дунёқараш, атроф-муҳит, Экофалсафа, экологик таълим-тарбия ва бошқалар.

Аннотация: Мақолада ёшларда экологик онг ва маданиятни шакллантиришда экологик таълим-тарбиянинг ўрни таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада экологик таълим умумий таълимнинг таркибий қисми ва узлуксиз характерга эга эканлиги баён қилинган.

РОЛЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В ГАРМОНИЧНОМ РАЗВИТИИ МОЛОДЕЖИ

Савлабек Усманович Кистаубаев

Доцент, доктор философии (PhD) по философским наукам
Джизакский государственный педагогический университет
Джизак, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: экологическое сознание и культура, система «природа – общество – человек», экологические знания и мировоззрение, окружающая среда, экофилософия, экологическое образование и воспитание и др.

Аннотация: В статье анализируется роль экологического образования и воспитания в формировании экологического сознания и культуры у молодежи. Также подчеркивается, что экологическое образование является составной частью общего образования и носит непрерывный характер.

Кириш. Бугунги кунга келиб мураккаб муаммолар ечимида экологик таълим-тарбиянинг роли тобора ошиб бормокда. Зеро, экологик таълим-тарбия – инсон ижтимоий-иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиб, “табиат – жамият – инсон” мажмуаси коэволюцияси ва барқарор тараққиётни таъминлашга, инсоннинг табиат бойликларига онгли муносабатини, табиий атроф-муҳит муҳофазасига нисбатан масъулиятини шакллантиришда муқобили бўлмаган йўлдир.

Янада конкретлаштириб айтганда, экологик таълим-тарбиянинг пировард мақсади – глобал экологик инкирозларнинг: ижтимоий, иқтисодий, маънавий, руҳий ва бошқа оқибатларини бартараф қилиш, инсон ва табиат муносабатларини биосфера экологик мувозанати талаблари асосида ташкил этиб, ижтимоий-маънавий ҳаёт тараққиётини, инсоният цивилизацияси келажагини таъминлашдир.

Шунинг учун ҳам экологик таълим-тарбия тизими, бир томондан, жамият моддий иқтисодий, маънавий-маърифий, фан-техника ривожини реал воқелик талабларидан, эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш, иккинчи томондан, инсоният табиий яшаш шароитларини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шarti бўлиб қолмокда. Зеро, экологик таълим-тарбия ўз мазмун-моҳиятига ва функциясига кўра, барча маънавий-маданий йўналишларини глобал экологик манфаатлар доирасида интеграциялаштиришнинг потенциал имкониятига эга.

Асосий қисм. Умуман ҳар қандай тарихий даврда, турли жамиятларда “табиат – жамият – шахс” муносабатлари билан боғлиқ муаммолар ечимида энг катта хато – шахснинг табиатга бўлган индивидуал эҳтиёжларини ёки аксинча, ижтимоий-экологик борлиқнинг шахс ва жамият эҳтиёжларини қондириш имкониятларини ҳисобга олмаслик

билан боғлиқ. Бу ходиса, айниқса, мустабид тузумда табиатга нисбатан волюнтаристик, субъективистик, тоталитар сиёсат натижасида кучайди, яъни Ўзбекистонда:

- собиқ иттифоқ даврида табиат неъматларидан аёвсизларча, оқибатини ўйламай фойдаланиш, пахта монокультураси туфайли ер ва сув ресурсларининг кескин камайиб кетганлиги;

- ўзбек халқи миллий менталитетига хос азалий қадрияти ҳисобланган табиатга меҳр-муҳаббат фазилятларининг сўндирилиши;

- аждодларнинг табиатни асрашга доир тарихий урф-одатлари, анъана ва удумларига эскилик сарқити сифатида қаралиши; - экологик билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг маънавий маърифий асосларига эътибор сустлиги;

- саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида маҳсулот яратишнинг атроф муҳит софлигини сақлаш, кишилар саломатлигига нисбатан устуворлиги;

- экологик дунёқарашни бойитишга хизмат қиладиган таълим-тарбия йўналишларининг ожизлиги, тарғибот ишларига етарли эътибор берилмаганлиги каби сабаблар билан боғлиқ.

Мустақиллик йилларида шу соҳада йўл қўйилган камчилик ва хатоларни бартараф этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди, қонунлар, меъёрий ҳужжатлар, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Жумладан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунда (1992 йил) табиатни асрашнинг маънавий-маърифий асосларига алоҳида урғу берилди. Яъни, Қонуннинг “Умумий қоидалар” деб номланган бўлимининг 3-моддасида табиат объектлари билан боғлиқ маънавий меросни асраб қолиш[1], жисмоний ва юридик шахслар мажбурияти ва масъулияти қилиб белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, қонунда экологик вазиятни тартибга солишда маънавий мерос ролига жиддий эътибор қаратилган.

Зеро, кишиларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш, ёшларни атроф муҳитга оқилона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш учун экологик дунёқараш асосларини – табиат ҳақидаги билим ва маърифатни уларнинг руҳиятига, ҳаёт тарзига сингдиришда маънавий тарихий мерос ва ахлоқий қадриятларбир сўз билан айтганда миллий менталитет ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ўзбек миллий менталитетида кечаётган маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ҳам ўз ичига олиши лозим. Цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалигида минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозланиб

келинган, аждодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то Исломгача бўлган барча динлар томонидан муносиб қадрлаб келинган.

Афсуски, охирги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига жуда катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш соҳасидаги анъанавий одоб ахлоқ қоидалари унутиб юборилди. Бу қоидаларга кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланар эди[2].

Ҳозирги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири – аҳоли орасида экологик таълим тарбияни ва атроф муҳитни сақлашга оид миллий менталитетдаги мавжуд билимларни ёйиш йўли билан табиатни муҳофаза қилишнинг турли-туман чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишдир. Бошқача айтганда, шахс экологик дунёқарашини бойитишнинг маънавий-маърифий асосларини янада такомиллаштириш зарур.

Экологик билим ва дунёқарашни юксалтириш борасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ташаббуси ва ҳамкорлиги асосида экологик таълимга доир қатор меъёрий ҳужжатлар, қарор ва фармонлар ишлаб чиқилиб, узлуксиз таълим тизимида кенг қўлланилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу вазифага давлат сиёсати даражасида эътибор берилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги 469-сонли Қарорининг 2.15 ва 2.16 бандларида Халқ таълими вазирлиги ва ОЎМТ вазирлиги зиммасига “Экологик таълимнинг Давлат стандартлари” ва “Узлуксиз экологик таълим концепцияси”ни, шунингдек, 2017 йил 21- апрел Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги” Фармони қабул қилинишида кўрамиз.

Фармоннинг 2- бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан бири этиб: экологик таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш кабилар[3] алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

Ушбу масала Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг қўшма йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Мазкур чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда экологик таълимни амалга ошириш тизимининг бир неча йўналишларини белгилашда қуйидаги вазифаларга:

- экологик таълимни барқарор ривожланувчи таълим тизимига уйғунлаштириш ва экологиялаштириш;
- шахсда экологик онг ва маданиятни юксалтиришда маънавий-маърифий омиллар устуворлигини таъминлаш;
- экологик билимдонликни, ҳар қандай касбий фаолият билан шуғулланувчи мутахассиснинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга [4] алоҳида эътибор берилди.

Таълим-тарбия тизимида бу йўналишларни барқарор ривожлантириш учун эколог мутахассислар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилиши, айниқса муҳимдир. Бу борада Республикамизда амалга оширилаётган ишлар динамикасида сезиларли ўсиш кузатилмоқда, хусусан, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳа ва тармоқларида фаолият юритувчи профессионал экологлар тайёрлаш учун саъй-ҳаракатлар бошланиб, кўлами кенгаймоқда.

Бу тизимда олий маълумотли профессионал экологлар тайёрлаш давлат таълим стандартлари ва классификаторлари яратилиши унинг ташкилий-методологик таъминоти да муҳим роль ўйнамоқда. Аммо шунга қарамай, Республикамизда ҳали-ҳануз халқаро стандартларга мос экологик таълимга йўналтирилган махсус олий ўқув юрти мавжуд эмаслиги, олий ўқув юртларидаги махсус экологлар тайёрлаш тизими фаолиятидаги тарқоқлик, дискретлик ва фрагментарлик бу борада замонавий таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришга, муайян даражада тўсқинлик қилмоқда, деб айтишга асос бор.

Чунки таълим йўналишида профессионал экологлар, табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга ихтисослашган иқтисодчилар, аудиторлар, менежерлар, маркетинглар ва бошқа махсус илмий салоҳиятга эга кадрларни дунё андозаларига мос тарзда тайёрлаш, замон талабларидан орқада қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида экологик вазиятни прогноз қилиш, экологик лойиҳалаш ва уларни экспертизадан ўтказиш ишларининг сифат даражасига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Шу билан бирга, экологик онг ва илмий дунёқарашни оммага трансформация қилишда асосий роль ўйнайдиган мутахассис-педагог кадрлар тайёрлаш ҳам, махсус эколог мутахассисларни республика иқтисодиётининг турли тармоқларига етказиб бериш ҳам талаб даражасида эмас. Ҳозиргача бундай мутахассислар олий ўқув юртларидаги: табиий-география, кимё, биология ҳамда экология профилига алоқадор бошқа факультетларда тайёрланмоқда. Бизнингча, бу тизимга ҳам ўзгариш киритиш ва фалсафа мутахассислари тайёрлайдиган ОТМларда “Экофалсафа” йўналишини очиш лозим деб

хисоблаймиз. Мухтасар қилиб айтганда, бугунги кунда экологик таълимни мукаммал тарзда ташкил этиш ва мутахассислар тайёрлаш давр талабига айланди.

Экофалсафанинг моҳияти ва функционал аҳамияти – бу “табиат – жамият – шахс” тизимидаги узвийлик, уларни бир-бирларига боғловчи табиий ҳамда ижтимоий қонунларни ўрганиш, ҳаётга татбиқ қилиш йўли билан биосфера табиий барқарорлигини сақлашдан иборат бўлмоғи лозим. Экофалсафа орқали инсоннинг қуйидаги хислатлари шаклланади, яъни:

1. Инсоннинг табиат, атроф-муҳит, биосфера экологик мувозанати ҳақида нисбатан тўлиқ илмий тасаввури таркиб топади.

2. Турли фанларни экология контекстида чуқур ва кенгроқ ўрганиш ва билимларини амалиётга жорий қилишга ёрдам беради.

3. Табиат билан инсон ўртасида узвий боғланишнинг объектив қонуниятларига нисбатан онгли муносабат шаклланади.

4. Ёшларнинг онгли равишда касб танлашларига ва уларни экологик ҳаёт тарзига мослашишларига шароит яратади.

Зеро, экологик таълимнинг дастлабки босқичида, муайян экологик билимларни ўз ичига олган тизим, барча учун мажбурий бўлиб унинг ихтисослиги қандай бўлишидан қатъий назар, ҳамма билиши зарур билимлар мажмуасини қамраб олади. Кейинги босқичида, экологияга оид махсус ва хусусий, чуқурлаштирилган билимларни эгаллаган эколог, агроном, техник, биолог, кимёгар каби мутахассислар тайёрланади.

Экологик таълим умумий таълимнинг таркибий қисми ва узлуксиз характерга эга бўлиши учун ҳар бир фаннинг предмети, объекти доирасида ўқувчи ва талабаларга ўргатилиши билан экологик дунёқарашни шакллантириш жараёни узлуксизлиги ва комплекс-системалигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Лекин бу жараённи ўқувчи ва талабалар ёшига, бошқа индивидуал хусусиятларига дифференциал ёндашиб, тизимли етказиб беришни ташкил этиш экологик дунёқараш шаклланиши ва ривожига ижобий таъсир қилади.

Экологик таълим оила (ота-она), боғча, маҳалла, бошланғич ва умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, турли мутахассисларни қайта тайёрлаш муассасалари ва шу каби институциялар орқали расмий ўқитилаётган билимлардан ташқари, халқ ҳаётига сингиб кетган табиатни асрашга оид миллий менталитетнинг асоси ҳисобланган урф-одат, удум ва анъаналар ҳамда турмуш тарзинини сингдиришнинг муҳим бўғинлари саналади. Бунда ҳар бир босқичнинг ўзига

хос хусусияти мавжуд бўлиб, унда ўрганиладиган материаллар экологик дидактиканинг умумий принциpidан четга чиқмаган ҳолда ўқувчиларга ўргатилиши зарур.

Хулоса. Экологик таълим-тарбия фанлараро боғланиш ва алоқадорликда, яъни интеграция лашган тарзда амалга оширилиши зарур, чунки биринчидан, экология фани барча фанлар мазмунини ўз ичига қамраб олиш имкониятига эга ҳисобланади; иккинчидан, ўз навбатида, барча фанлар экологияни эмпирик материал билан таъминлайди; учинчидан, фанларнинг экологик мақсадлар доирасида итеграциялашуви, уларни функционал конкретлаштиради.

Умуман, экологик таълим-тарбия – бу инсоннинг оламга келишидан бошлаб, бутун ҳаёти давомида табиатдан онгли равишда фойдаланиш, ўзбек менталитетига хос экологияга доир урф-одатлар, удумлар асосида ёшларни тарбиялаш, уларда табиат бойликларига меҳр-муҳаббат уйғотиш, тежамкорлик психологиясини, экологик ахлоқ одобини тарбиялаш, табиий бойликларни кўпайтириш, боғу-роғлар, гулзорлар ташкил қилишга ундаш, қалбида эвдомонистик ва гедонистик ҳислар уйғотишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. –Тошкент.: Адолат, 2020. Б-98
2. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6.Т. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1998. Б-131
3. Таншев Б. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида туб ислохатлар.// Экологик хабарнома. 2017. №4, Б-54
4. Холмўминов Ж. Актуальные проблемы и приоритетные направления эколого правового образования в стране. // Фалсафа ва ҳуқуқ. №3, 2008.Б-89